# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 16 январь, № 11 (5941) Пайшанба


# ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК

## маҳаллаларда соғлом авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда





2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Аҳоли турмуш фаровонлиги, таъбир жоиз бўлса, соғлом бола истиқболи хонадонлар файзу тароватида ҳамда маҳалла ободлиги тимсолида ҳам намоён бўлади. Шу боис халқимиз азалдан яхши кунларига хизмат қиладиган, пишиқ, бежирим иморат қуришга ва унинг ён-атрофини ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратган. Пойтахтимиздаги "Чимбой" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлганимизда ушбу ҳаётий ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ораста кўчалар, бири-биридан қолишмайдиган кўркам тураржойлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари, турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари маҳаллага ўзгача чирой бағишлаб турибди.*

— Маҳалламиз ҳудудида Турин политехника университети, касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактаби, 39-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, сузиш ҳавзаси, корхона ва ташкилотлар ҳамда бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган бўлиб, улар билан маҳалламиз ободлиги йўлида фаол ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, — дейди Олмазор туманидаги "Чимбой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўлмас Турсунов. — Масалан, Турин политехника университети маъмурияти ўтган йилнинг баҳор ойларида "Ораста қизлар" ҳамда футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказишда яқиндан ёрдам берди. Айни чоғда мазкур олий таълим муассасаси тайёрлов курсларида маҳалламизнинг 14 нафар энг иқтидорли ўғил-қизлари инглиз тили, математика ва физика фанларидан бепул таълим олмоқда. Албатта, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги изчил амалга оширилиши самараси ўлароқ, жорий ўқув йилида маҳалламизнинг 19 нафар ўқувчи-ёшлари фан олимпиадаларининг Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олди.

Бундай самарали ҳамкорлик 39-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби билан ҳам йўлга қўйилган. Ҳозирги пайтда 400 нафар фарзандимиз мажмуадаги футбол, бадиий гимнастика ва бошқа тўгаракларга қамраб олинган. Бу ерда улар нафақат жисмоний жиҳатдан тобланмоқда, айни чоғда келажаги порлоқ спортчилар сифатида камол топаётганликлари бизни ҳаммасидан ҳам кўпроқ қувонтиради. Хусусан, маҳалламиз футбол жамоаси кейинги йилларда "Пахтакор" хотира турнири ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ўтказиб келинаётган "Футболимиз келажаги" турнирларида муваффақиятли қатнашмоқда. Ҳозирги пайтда бир қанча иқтидорли болаларимиз кучли футбол жамоаларида тўп суришаётгани ҳам бу борадаги изланишлар самарасидир.

— Маҳалла болаларининг қизиқишларидан келиб чиқиб, футбол, бадиий гимнастика ва бошқа бир нечта спорт турларига алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди 39-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Жаҳонгир Ғиёсов. — Ушбу спорт турларини ривожлантириш учун бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Катта билим ва тажрибага эга мураббийларни жалб этганмиз. Бу амалда ўз самарасини бераяпти. Шу ерда тетапоя бўлган фарзандларимизнинг турли спорт мусобақаларида ўзларини кўрсатиб келишаётгани ҳамда улар орасида мамлакат, Осиё ва Жаҳон чемпионлари борлиги ана шундан далолатдир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми 2-бетда).

## СУРУР

*Поёнига етган йил мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирди. Ҳар бир соҳада катта муваффақиятларга эришилди.*
*Муҳими, турмушимиз янада яхшиланди.*
*Хонадонларимизга ўзига хос файзу барака кирди.*
*Шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига қараб, кўнглингиз равшан тортади. Чунончи, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табриги айнан ана шу ютуқ ва марраларнинг юксак эътирофи бўлди.*
*Ушбу табрикдаги сўзларга жавобан таҳририятимизга турли касб эгаларидан дил сўзлари битилган мактублар келиши давом этмоқда.*

# Янги марралар, эзгу ниятлар

### Қадримиз баланд

Бугун меҳнат қилган инсон кам бўлаётгани йўқ. Тадбиркорлик дейсизми, ҳунармандчилик ёки деҳқончилик бўладими — барининг ортидан роҳат-фароғат топиш мумкин. Яхши даромад эса рўзғорнинг баракаси. Қолаверса, бу билан эл-юртга ҳам нафингиз тегади.

Мен фермерликни касб қилиб, янглишмаган эканман. Мана, ҳалол меҳнат ортидан обрў-эътибор қозондим. Биргина 2013 йилдаги ютуқларимни айтай. Бултур 230 гектар ерга ғалла уруғини қадагандик, 593 тонна дон етказиб берамиз, деб давлат билан шартнома имзолагандик. Кўзланган маррани ошириб бажардик. Фермер хўжалигимиз аъзоларига 270 тонна ғалла тарқатдик. 100 тоннадан зиёд дон уруғлик учун ғамланди. Шундай қилиб, уйган хирмонимиз 1000 тоннадан ошиб кетди. Пахтачиликда ҳам бизнинг иқлим шароитимизда ҳосилдорлик 40 центнерга етди.

Янги йилни намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйда кутиб олишнинг гашти бўлакча экан. Оиламиз аъзоларининг қувонганини кўрсангиз эди! Бундай янги иморат ҳовлисини янги машина безайди, деб даромадимиздан машина ҳам харид қилдик. Энди ана шундай кўтаринки кайфият билан Соғлом бола йилидаги ишларимизни режалаштириб олаяпмиз. Насиб қилса, жорий йил бундан ҳам хосиятли келади.

**Лолахон МУРОТОВА,**
**Олтиариқ туманидаги «Нуробод» фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси.**

### Обод турмуш баракаси

Корхонамиз мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Ҳозир бу ерда аммиакли селитра, сунъий нитрон толаси, сирка кислотаси, хлор, каустик сода, формалин, метанол, кислород каби 130 турдаги кимё маҳсулотлари тайёрланиб, маҳаллий ва хорижлик буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Ўтган йил жамоамиз учун муваффақиятларга бой бўлди. Бу ерда юртимизда биринчи бўлиб аргон, метанол, формалин каби янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун илғор технологик ускуналар келтирилиб, кўплаб ёш мутахассислар иш билан таъминланди.

Ана шундай ютуқларда, оз бўлса-да, ҳиссам борлигини ўйласам, қалбим ғururга тўлади. Президентимизга раҳмат, камтарона меҳнатимни юқори баҳолаб, юксак мукофотга лойиқ кўрдилар. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирландим. Энди бу эътибор ва ғамхўрликка жавобан янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, корхонамиз салоҳиятини юксалтириш учун бор куч ва имкониятимни ишга солишда давом этаман.

**Алишер ЭШПЎЛАТОВ,**
**«Навоийазот» ОАЖ цех энергетиги, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби.**

### Улкан бунёдкорлик мезони

Президентимизнинг Янги йил табригида таъкидланганидек, жаҳон миқёсида ҳали давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда камдан-кам давлатларда кузатилаётгани барчамизни беҳад қувонтиради. Бунинг самараси Андижон вилоятида ҳам ўз аксини топди. Яъни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари изчиллик билан давом эттирилди, янги корхоналар ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ўсиши эса 115,9 фоизга етиши кутилмоқда.

Бундай ижобий кўрсаткичлар қўлга киритилишида Президентимиз томонидан халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида белгилаб берилган устувор вазифалар, янги ғоя ва таклифлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу асосда 2014 йилда муваффақиятларимиз кўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қиламиз.

**Комилжон ОТАХОНОВ,**
**халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати.**

## ДИЛ СЎЗИ

*Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини барчамиз катта мамнуният билан тингладик.*

# Муқаддас бурчимиз

Унда миллий армиямизни шакллантириш мақсадида ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада кучайтириш борасида қилиниши лозим бўлган муҳим устувор вазифалар хусусида батафсил сўз юритилган.

Биз энг улуғ ва энг азиз неъмат — истиқлол ҳақида қанча гапирмайлик, шунча оз. Сабаби, мустақиллик туфайли шаҳару қишлоқларимиз гўзал ва обод гўшаларга айланди, турмушимизга мазмун кирди. Анъана ҳамда қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз қайта тикланди. Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётган ҳозирги мураккаб шароитга қарамасдан, иқтисодиётимиз изчил ривожланмоқда. Бу Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган "ўзбек модели"нинг самаралари сифатида халқаро миқёсда бот-бот эътироф этилаяпти. Ўғил-қизларимизнинг замонавий шарт-шароитларда таҳсил олаётганини айтмайсизми?!

(Давоми 2-бетда).

# ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Япония ички ишлар ва коммуникациялар вазирининг ўринбосари, Парламентнинг вакиллар палатаси депутати Йоко Камикава хоним раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Хуршид Мирзоҳидов билан учрашди.*

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишларда, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам жадал ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро муносабатлар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил ривожланмоқда. Хусусан, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 27 июндаги қарори билан тасдиқланган 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурида ахборот ресурслари ва тармоқларини жадал тараққий эттириш, давлат бошқарувининг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, "электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш, телекоммуникация тармоқларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 сентябрда имзоланган «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастурий ишланмаларни қўллаб-қувватлаш, ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## Мамлакатимизда 2008 — 2013 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши

**8** **фоиздан ошди.**

Жаҳон миқёсида ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, дунёнинг камдан-кам давлатларида кузатилаётган бундай юқори ўсиш суръатларининг қўлга киритилгани биз танлаган босқичма-босқич ривожланиш йўлининг нақадар тўғрилигидан ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигидан далолатдир.

# Муқаддас бурчимиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар халқаро фан олимпиадалари, санъат фестиваллари, кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида кўпчиликнинг ҳавасини тортадиган ютуқларга эришишмоқда. Шунинг учун ҳам эндиликда Ўзбекистонни нафақат ўтмиши буюк, балки келажаги ёруғ давлат сифатида кўпчилик ҳавас билан тилга олаётир.

Албатта, юртимиздаги муваффақиятларнинг асоси тинчлик билан чамбарчас боғлиқ. Аммо бугунги замонда осойишталикни таъминлаш ҳам ўз-ўзидан бўлмаслигини дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор киши жуда яхши англайди. Жаҳоннинг турли минтақаларида можаро ва тўқнашувлар, ҳарбий қарама-қаршиликлар давом этмоқда, терроризм, диний экстремизм фаоллашаяпти, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда хавф-хатар кучайиб бораяптики, ана шу жараёнлар бизни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга, тинч ва хотиржам ҳаётимизнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга ундайди.

Фахрланиб айтсак арзийдики, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати боис мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга, аҳолимизнинг тинч ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак қобилият ва тайёргарликка эга миллий армиямиз шакллантирилди. Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг йилда бир марта ташкил этилаётгани, шартнома асосида хизмат қилувчилар сафининг кенгаяётгани, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани туфайли армиямиз қиёфаси, ҳарбий жамоалардаги маънавий муҳит тубдан ўзгарди. Ҳарбий хизмат ёшларда мустаҳкам ирода ва характерни шакллантирадиган, жисмоний чиниқиш ҳамда юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ўзига хос мактабга айланди.

Ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини янада юксалтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳар қандай хавф-хатарни чуқур таҳлил этишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга офицер кадрлар тайёрланаяпти. Сержантлар тайёрлаш мактабларидан ҳар томонлама билимли, жисмонан бақувват, фикри теран кичик командирлар етишиб чиқмоқда. Ҳарбий қисмларимизда ҳам аскарларнинг нафақат жисмоний, балки юксак ақл-идрок, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатлар соҳиби бўлишлари, замонавий технологияларни пухта ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Президентимиз табригида армиямизни ислоҳ этишни ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини, мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ҳамда халқимизнинг тинч ҳаётини кўз қорачиғидек асраш бўйича тайёргарлигини янада мустаҳкамлашни давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Ана шу вазифалар бундан кейинги фаолиятимизда бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Шамсиддин АРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи, подполковник, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**



# ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК

## маҳаллаларда соғлом авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган даврда бу ерда тарбияланган ёшларимиз орасидан кикбоксинг бўйича 11 нафар Жаҳон, 4 нафар Осиё, 97 нафар Ўзбекистон ҳамда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 2 нафар Осиё ва 10 дан зиёд мамлакат чемпионлари ҳамда кўплаб халқаро турнирлар ғолиблари етишиб чиққанлиги қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

— Спорт ёшлар тарбиясида, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда кучли восита эканини маҳалламиз болалари мисолида кўриб турибмиз, — дейди мазкур фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси раиси Ниғмат Эргашев. — Уларнинг дунёқараши, ўзларини тутиши ва муомаласи тубдан ўзгариб бормоқда. Айни чоғда иқтидорини намоён этиб, ўзларини кўрсатишга бўлган уриниш кучаймоқда. Бу, албатта, фарзандларимизнинг келажакда баркамол инсонлар бўлиб камолга етишида муҳим омил ҳисобланади. Шу боисдан маҳалламиз ёшларини оммавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Бу эса амалда уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишларида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар чимбойликларнинг тадбиркорлик қирраларини ҳам очиб юборди, десак, муболаға эмас. Дарҳақиқат, маҳалла аҳли орасида хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесга бўлган қизиқиш йилдан-йилга кучаймоқда. Масалан, тадбиркор Б. Миржалилов қандолатчилик цехини ишга тушириб, шу ерлик 16 нафар ёшнинг бандлигини таъминлади. Яна бир тадбиркор Б. Йўлдошев эса ўйинчоқ цехини очиб, 10 нафардан зиёд хотин-қизларни ишга жалб этди. Шу кунларда у фаолиятини янада кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш ҳаракатида.

— Ҳозир корхонамизда 70 турдан зиёд миллий ўйинчоқлар ишлаб чиқараяпмиз, — дейди Баҳодир Йўлдошев. — Уларнинг миллий руҳда экани болажонларимизга ҳам манзур бўлмоқда. Соғлом бола йилида улар учун яна бир қатор янгиликлар қилишни кўнглимизга тугиб қўйганмиз. Тез орада миллий матоларимиздан тикилган туркум ўйинчоқларни бозорга чиқариш ниятимиз бор.

Умуман олганда, “Чимбой” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлгани каби юртимиздаги барча маҳаллаларда оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб турмуш тарзини яратиш, шу орқали болажонларимизни соғлом ва етук инсонлар қилиб тарбиялаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Соғлом бола йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Меҳмонларга мамлакатимизда ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар тармоғини изчил ривожлантириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди.

— Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак баҳолаймиз, — деди Йоко Камикава. — Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури ишлаб чиқилгани ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани эътиборга лойиқ. Япония компаниялари Ўзбекистонда рақамли телевидениени жорий этишда фаол иштирок этмоқда. Бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси, соғлиқни сақлаш ва табиий офатларни бартараф қилиш соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш тарафдоримиз.

Музокарада Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги телекоммуникация соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, ахборот-коммуникация технологиялари тармоғида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, бу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан Япония Ички ишлар ва коммуникациялар вазирлиги ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланди.

Япония делегацияси аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам музокара ўтказди. Учрашувларда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## хабарлар

*Янгиликлар, воқеалар,*

■ *Юртимизда етиштириладиган табиий ипак довруғи азалдан етти иқлимга машҳур. Шу боис унга дунё бозорида талаб катта.*

### Дунё бозорида талаб катта

Жумладан, Намангандаги “Werigrov ipagi” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисми Ҳиндистондаги буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Ўтган мавсумда 400 тонна юқори сифатли пилла хом ашёсини қабул қилиб олган корхона уни жадал равишда қайта ишламоқда. Бу ерда якунланган йилда 1 миллиард 124 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 253 минг АҚШ долларига тенг табиий ипак хорижга жўнатилди. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш тадбирлари ҳам давом этаяпти. Хусусан, ушбу йўналишдаги лойиҳа ижроси учун 2,6 миллион долларлик инвестиция йўналтирилди. Техник ва технологик янгилаш ишлари кўзда тутилган мазкур лойиҳа ниҳоясига етиши билан қувватлар 30 фоиз ортиб, ишчилар сафига яна 180 киши қўшилади.

Шунингдек, яқин вақт ичида асосий хом ашё — пилла етиштиришни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилаётган тутзорлар ҳозиргача 100 гектардан ортди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Лойиҳа қиймати 200 миллион сўм

■ *Ушбу маблағга Шуманай туманидаги “Р. Жарилқасинов” хусусий корхонаси мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янгилаб олди.*

— Бизнинг ғиштларимиз сифатли, унча-бунчага синмайди, силлиқ ва мустаҳкам, — дейди тадбиркор Рустам Жарилқасинов. — Айни пайтда модернизациялаш тадбирларини тугатдик. Йилига 2,5 миллион дона ғишт тайёрлаш имконияти яратилди. Туманимизни ўзига хос қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Намунавий лойиҳалар асосида уйлар, янги бинолар, мактабу коллежлар қурилаяпти. Биз ҳам ана шундай эзгу ишларнинг фаол иштирокчиси эканлигимиздан чексиз ғурурланамиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сифати мижозларга манзур

■ *“Маданият Артекс” қўшма корхонасида тайёрланаётган калава ипнинг юз фоизи экспортга йўналтирилаяпти.*

Бухоро туманидаги ушбу корхонада яна бир истиқболли лойиҳа туфайли ишчи қўлқоплари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Янги маҳсулот ўз сифати билан хорижлик мижозлар эътиборини тортди. Шу боис уларни тўлиқ экспортга жўнатиш борасида ўзаро шартнома шартлари келишилмоқда. Диққатга сазовор томони, цехда йилига бир миллион дона қўлқоп тайёрланади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ ҚАРОР ВА ИЖРО

# ҚИШ ДАСТУРХОНИДА — ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

## сероблигини таъминлашда иссиқхона хўжаликлари муҳим аҳамият касб этаяпти

*Бугун юртимиз бозорларини айланган кишининг кайфияти кўтарилиши турган гап. Расталарда турли ноз-неъматларнинг кўплигидан бир қувонса, баҳосининг арзонлигидан ўн чандон суюнади.*

*Дарҳақиқат, ҳозир қишнинг айни қаҳратони бўлишига қарамай, дармондориларга бой ёз неъматлари сероб: бандидан эндигина узилган помидор, карсиллама бодринг, эти сўлимаган лимон, барра пиёз, турли кўкатлар — бариси муҳайё.*



Бунинг боиси нимада дейсизми? Бу, албатта, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш масаласига устувор аҳамият берилиб, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти учун барча шарт-шароит яратилгани самарасидир. Буни биргина иссиқхона хўжаликларида кузатилаётган ўзгаришлар мисолида яққол кўриш мумкин. Зеро, ушбу тармоқ қишлоқ хўжалигининг энг сердаромад жабҳасига айланиб, йил давомида бозорларимизни обод, дастурхонимизни тўкин қилмоқда. Ҳатто маҳсулотларнинг бир қисми экспортга чиқарилмоқдаки, бу қулай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланаётган деҳқонларимизнинг ишбилармонлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, ҳозирги кунда умумий майдони 8 минг гектардан зиёд 540 мингдан ортиқ иссиқхоналар мавжуд. Шунинг 1000 гектарлик қисми кейинги уч йил мобайнида барпо этилди.

— Номавсумий муддатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сабзавот-полизчиликни, боғдорчиликни, узумчиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бошқармаси бошлиғи Зафар Ортиқов. — Яъни деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар томонидан замонавий технологияларга асосланган иссиқхоналар барпо этилиб, уларда сабзавот маҳсулотлари ва цитрус мевалари етиштирилаяпти. Айниқса, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлар ўз фаолиятида замонавий технологияларни қўллаб, янги нав, гибрид уруғларини танлаб экишаётгани, агротехнологиялардан самарали фойдаланишаётгани туфайли нисбатан юқори ҳосилдорликка эришмоқда. Бир гектар ердан ўртача 80-100 тонна помидор, 120-150 тонна бодринг ҳосили йиғиштириб олинаётгани бунинг тасдиғидир.

Таҳлилларга қараганда, деҳқончиликнинг бу турига, айниқса, кейинги йилларда қизиқиш кучайди. Буни моддий манфаатдорликнинг юқорилиги билан изоҳлаш мумкин. Нега деганда, деҳқонларимиз бир парча ерда иссиқхона ташкил этиб, ундан катта миқдорда даромад кўраяпти. Бу ишга қўл ураётган кишиларга енгил конструкцияли, замонавий технологиялардан фойдаланиш учун тижорат банклари томонидан молиявий кўмак берилаётгани эса айни муддао бўлаётир. Натижада муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланилиб, ёқилғини тежаш, харажатларни камайтириш имконияти юзага келаяпти.

— 2005 йилда томорқамизда мўъжазгина иссиқхона қуриб, лимончиликни йўлга қўйган эдик, — дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул қишлоғида истиқомат қилувчи зироатчи Эътиборхон Ҳайдарова. — Мутахассисларнинг тавсиясига кўра, уни Хитой технологияси асосида бунёд қилганимиз айни муддао бўлди. Чунки иситишда ҳеч қандай ёқилғи сарфланмайди. Бунинг учун офтоб нури яхши тушадиган жой танланса, кифоя. Кам харажат эвазига мўл ҳосил етиштираверасиз. Масалан, бизнинг лимон дарахтларимизнинг ҳосили декабрь ойида пишиб етилди. Жами 5 тонна мева узиб олиб, юртдошларимизга тортиқ қилдик.

Иссиқхона мўмай даромад манбаи экан. Бу ишнинг этагидан тутиб, кам бўлмаяпмиз. Олган фойдамиз ҳисобидан яқинда “Нексия” машинаси сотиб олдик. Энди иссиқхонамизни кенгайтириш, бошқа экинларни етиштиришни ўзлаштириш ҳаракатидамиз.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти илмий котиби, иқтисод фанлари номзоди Миродил Ниязовнинг таъкидлашича, иссиқхона деҳқончилигини янада ривожлантиришда жаҳон тажрибасини кенгроқ ўрганиш, унинг ютуқларини чекка ҳудудларда ҳам қўллаб, замонавий иссиқхоналар қуришни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, айниқса, жойларда халқимизга хос бозор маданияти мужассамлаштирилган ҳудудий улгуржи бозорларни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини мукаммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Соҳада хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида гап кетганда, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси гранти асосида намунавий иссиқхоналар барпо этилаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

Гап шундаки, Президентимизнинг 2011 йил 24 ноябрдаги “Корея Республикаси Ҳукумати грантини жалб қилган ҳолда “Ўзбекистонда дастлабки иссиқхоналарни яратиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 4 миллион АҚШ доллари миқдорида грант маблағи жалб этилиб, бир нечта иссиқхоналар ишга туширилди. Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ва ўқув-тажриба станциясидаги иссиқхона — шулардан бири. Унинг замонавий қиёфаси, ичидаги шарт-шароит ҳавасингизни келтиради. Ташқарида қишнинг қаҳратон совуғи ҳукмрон бўлса-да, ичкарида ҳарорат мўътадил: кундузи 26–27, кечаси 16–17 даража илиқ атрофида.

Иссиқхона каркас типидаги ярим айлана металл конструкцияли бўлиб, тепа, ён томонлари махсус полиэтилен плёнка билан қопланган. Қуёш иссиқлиги, ҳаво ҳарорати ва намлигини назорат қилиш ҳамда тартибга солиб туриш учун махсус мосламалар ўрнатилган. Бундан ташқари, туманлатгич ускунаси ва шамоллатиш тизими, сув ва минерал ўғитларни сақлашда аралаштириш технологияси билан ҳам таъминланган. Улар компьютер ёрдамида бошқарилади. Энг аҳамиятли жиҳати, бу ерда экин парваришлашда гидропоника усули жорий қилингани туфайли тупроқ ва маҳаллий ўғитдан умуман фойдаланилмайди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “гидропоника” грекча сўз бўлиб, “сувли иш эритмаси” деган маънони англатади. Бу усул Голландия, Исроил, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Германия каби мамлакатларда ўтган асрнинг охирларида қўлланила бошланган. Бундай шароитда қишлоқ хўжалиги экинлари махсус жиҳозланган шароитда сувда эритилган озуқа моддалари ёрдамида етиштирилади.

Айни пайтда иссиқхонада помидорнинг Голландиядан келтирилган “Rapito” F1 дурагайи етиштирилмоқда. Анъанавий усулда помидор кўчатларининг бир тупидан 2,5-3 килограмм ҳосил олинса, янги технология ёрдамида бу кўрсаткич 10-12 килограммгача етади. Энг асосийси, экилган помидор кўчатининг биринчи ҳосили уч ой ичида пишиб етилиб, сўнгра 7-8 ой давомида узлуксиз мева беради.

— Корея технологияси асосида помидор етиштиришнинг афзалликлари талайгина, — дейди Тошкент давлат аграр университети доценти, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Усмон Норқулов. — Уни қўллаш орқали бошқа иссиқхоналардагига нисбатан сув 60-70, иссиқлик эса 25-30 фоизгача тежалади. Сабзавот экинларининг пишиб етилиши 20 — 30 кунга қисқариб, ҳосил олиш даври 50 — 60 кунга узаяди. Шунга монанд равишда ҳосилдорлик 2-2,5 баробар ортади.

Шу кунларда иссиқхонага экилган 15 минг туп помидор кўчати тўлиқ ҳосилга кирган. Пишиб етилган меваси пешмапеш узилиб, халқимиз дастурхонига нисбатан арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Деҳқону фермер ҳамда тадбиркорларнинг шу каби замонавий технологияларга асосланган лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, кенг имтиёзлар берилаётгани ютуқларнинг бош омили бўлаётир. Пировардида иссиқхона хўжаликлари барқарор ривожланиб, аҳолининг бандлигини таъминлаш, бозорларимизни сархил маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаяпти. Бу борадаги ишлар Соғлом бола йилида ҳам изчил давом эттирилиб, аҳоли томорқалари ва фермер хўжаликларида умумий майдони 226 гектардан зиёд 427 дона иссиқхона қуриш режалаштирилаётгани диққатга сазовордир.

Ҳайратинг ошади, ташқарида совуқ этни жунжиктириб турган бир пайтда плёнка остида помидор пишса, бодринг етилса, кўм-кўк кўкатлар барқ ўриб ўсса, гуллар яшнаб турса... Бу, чиндан ҳам, мўъжиза! Деҳқончилик мўъжизаси, илм-фан ютуқлари маҳсули!

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## O'ZSANOATQURILISHBANK

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жадал суръатларда ривожланиб, иқтисодий тараққиётимизнинг таянчи ва суянчига, таъбир жоиз бўлса, унинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Бу, шубҳасиз, юртимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётганининг ёрқин тасдиғидир.*

*Албатта, мазкур соҳанинг бу қадар равнақ топишида юртимиз молия муассасаларининг ҳам хизмати ва ҳиссаси катта. Айниқса, мамлакатимизнинг етакчи банкларидан бири — "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоасининг бугунги фаолиятидан миллионлаб мижозлар бирдек мамнун. Буни ушбу молия муассасасининг кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйиб, ҳам оиласи, ҳам юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг дил изҳорларидан ҳам билиш мумкин.*



# ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИ — УСТУВОР МАҚСАД

### Замонавий ва қулай хизмат

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни кичик бизнес равнақисиз тасаввур этиш қийин. Негаки, мазкур соҳа оилавий даромад манбаи, фаровон турмуш кафолати бўлиб, эндиликда у кирмаган тармоқ қолмади ҳисоб.

Шу боис ҳам, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Чунки ушбу соҳанинг тараққиёти, энг аввало, аҳолини иш билан таъминлашдек ўта муҳим вазифани ижобий ҳал этишга туртки беради. Қолаверса, ички бозорни импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

Корхонамиз фаолияти бундан 14 йил аввал йўлга қўйилган эди. Ўшанда беш нафар ишчи билан 4-5 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу ерда 30 киши меҳнат қилаяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури эса 40 тага яқинлашиб қолди.

Тўғри, фаолиятимизни бошлаган дастлабки йилларда иқтисодий қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Ана шундай шароитда "Ўзсаноатқурилишбанк" билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз ва аҳил жамоамизнинг меҳнати туфайли муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашга эришдик. Гап шундаки, бунда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг 237,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредити муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Очиғини айтиш керак, ҳали-ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банкларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши осон иш эмас. Бундай пайтда ишни тўғри ташкил қила билиш, мижозларга ҳар доимгидан-да сифатли, тезкор хизмат кўрсатиш, ўзига хос иш услуби ва маданиятига эга бўлиш тақозо этилади. "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоасининг ана шу тамойиллар асосида фаолият кўрсатаётгани биз каби тадбиркорларнинг самарали иш юритишида муҳим омил бўлаяпти.

**Муҳаммаджон АРИПОВ,
«BIO SUT»
Ўзбекистон — Германия
қўшма корхонаси
раҳбари.**
*Тошкент вилояти*

### Банк кредитлари — илғор технологияларга

Бугун тадбиркор сифатида дунё кезаяпмиз. Мана, яқинда Европанинг бир қатор давлатларида бўлиб қайтдик. Хорижлик бир қатор фирмалар фаолияти билан танишдик. Энг муҳими, замонавий технологиялар сотиб олиш бўйича келишувга эришдик.

Ҳозирги кунда бизнинг "Хонқа-паррандачилик" масъулияти чекланган жамиятимизда 50 нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти. Аҳил жамоамиз бугунги имкониятлардан унумли фойдаланишга интилмоқда. Ишни ташкил этишда тайёрлайдиган маҳсулотимиз ҳам сифатли, ҳам арзон бўлишини мақсад қилдик. Бунинг учун бизга кам ишчи кучи сарфланадиган, замонавий илм-фан ютуқларини ўзида мужассамлаштирган илғор технологик линия зарур эди. Режамизни амалга ошириш учун Германиядаги "Big Dutchman international GmbH" корхонаси билан шартнома туздик. Маблағ масаласида бизга энг яқин ҳамкоримизга айланган "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хоразм вилояти минтақавий филиали катта ёрдам берди. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли товуқ ва жўжа боқишга мўлжалланган линия келтириб ўрнатилди ҳамда замонавий корхона ишга туширилди. Бу 45 кишини иш билан таъминлаш имконини яратди.

Замонавий технологиялар бир маромда ишлай бошлагач, маҳсулот етиштириш ҳажми йилдан-йилга кўпайиб борди. 2013 йилда 32 миллион дона тухум ва 80 тоннадан зиёд парҳез гўшт етиштирилди.

Паррандачилик учун озуқани улгуржи, арзон нархларда, кўп миқдорда харид қилиб, захира яратишимиз учун 500 миллион сўм миқдоридаги маблағ зарур бўлди. Эътиборлиси, бу масалани ижобий ҳал этишда ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хоразм вилояти минтақавий филиали бизни қўллаб-қувватлади.

Жамоамиз паррандачилик соҳасида муайян тажриба тўплаб, бир қатор ютуқларни қўлга киритгач, иш кўламини янада кенгайтиришни кўзламоқда. Шу йилнинг ўзида омихта ем ишлаб чиқариш заводини ишга тушириш ниятидамиз. Бунинг учун корхонамиз яна "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг 3 миллион 260 минг евро миқдоридаги кредити эвазига Швейцариянинг замонавий технологиялари билан жиҳозланмоқда. Бу харидорларимиз сафининг кенгайишига, қўшимча иш ўринлари яратилишига имкон беради. "Ўзсаноатқурилишбанк"дек ишончли молиявий ҳамкоримиз мавжудлиги кўзлаган мақсадларимизга эришишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади, албатта.

**Давлат АМИНОВ,
«Хонқа-паррандачилик»
МЧЖ раҳбари.**
*Хоразм вилояти*



## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

# «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2014 йил 20, 27 февраль ва 6, 13, 20 март кунлари ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

**Очиқ танлов савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100% банк улушлари қўйилмоқда.**

| Т/р | Номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
